

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

СЎЗ БОШИ	5
1.Кобзева О. П. ИПАК ЙЎЛИНИНГ ХИТОЙ ТАРИХШУНОСЛИГИДАГИ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ.....	6
2.Кебадзе М., Лекидзе Т. XX ASARNING 30-YILLARIDA KAXETIDAGI REPRESSIYALAR ZEMO ALVANI VA KVEMO ALVANI QISHLOQLARI MISOLIDA.....	15
3.Холиқова Р.Э. БУХОРО ХОНЛИГИДАГИ РАБОТ ВА САРДОБАЛАР ҚУРИЛИШИ ТАРИХИДАН.....	19
4.Муҳитдинова Ф.А. СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ: ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ.....	27
5.Ҳайдаров М.М. УЧ РЕСПУБЛИКА КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА (ТУРКИСТОН АССР, БХСР, ХХСР) СОВЕТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ ҚОНУНИЙЛАШТИРИЛИШИ ВА МОҲИЯТИ.....	43
6.Абраров С.А. ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН.....	51
7.Рахмонқулова З. XIХ- XX АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИ ВА УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	59
8.Абдуллаев Ў.Ш. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРДА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	67
9.Абдурасулова Д.Т. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИЗЗАХ ШАҲАР САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ.....	72
10.Абдурахманова Ж.Н. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНИНГ ГРЕК ХАЛҚИ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ (ЎЗБЕКИСТОНГА КЎЧИРИЛГАН ГРЕКЛАР МИСОЛИДА).....	79
11.Азаматова Г.Б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ БИЛАН МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ.....	85

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 12. Alimdjanov B.A., Jakparov J.I.**
"SART" ATAMASINING KELIB CHIQISHI HAQIDA V.V. BARTOL'D,
S.LAPIN ORASIDA MUNOZARA.....91
- 13. Амонова Ф.С.**
XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА
ТАШКИЛ ТОПГАН РУС САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ҲАҚИДА.....99
- 14. Ахмедов Т.О.**
"ЗАРАФШОН МУЗОФОТИНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА МУВАҚҚАТ
ҚОИДАЛАР"НИНГ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА
ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР.....110
- 15. Аҳмедова Р.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ДАСТЛАБКИ ШИФО МАСКАНЛАРИНИНГ
ВУЖУДГА КЕЛИШИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА).....117
- 16. Бабаджанова Н.А.**
ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ МИЛЛИЙ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР
(1946-1991 йиллар).....124
- 17. Бобожонов И.У.**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....137
- 18. Бобожонов Ш.**
ЗИЁРАТ ТУРИЗМИДА САЙФИДДИН БОҲАРЗИЙ
ҚАДАМЖОСИНИНГ ЎРНИ.....145
- 19. Бабабеков А.Д.**
XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ
ҲУДУДЛАРИ АҲОЛИСИ ЭТНОИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА
САВДО-СОТИҚНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ
(САНГЗОР-ЗОМИН МИНТАҚАСИ МИСОЛИДА).....153
- 20. Базарова М. М.**
ЎРТА АСРЛАР ТУРОН ЗАМИН ОЛИМЛАРИНИНГ ЖАҲОН
ИЛМ-ФАНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....165
- 21. Bohodirov I.**
TURKISTON BOSHQARUV TIZIMIDAGI NOMUTANOSIBLIK
VA XALQ KOMISSARLARI SOVETIDAGI ICHKI ZIDDIYATLARNING
O'LKA HAYOTIGA TA'SIRI (1917-1924 YILLAR).....171
- 22. Бегамова Н. Х.**
МУҒУЛ ДАВЛАТИНИНГ ИЖТИМОЙ ТУЗИЛИШИ ВА ҲУДУДИ.....183

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Бобожонов Шавкат,
ЎзФА Тарих институти
"Этнология ва антропология" бўлими
таянч докторанти

ЗИЁРАТ ТУРИЗМИДА САЙФИДДИН БОҲАРЗИЙ ҚАДАМЖОСИНИНГ ЎРНИ

For citation: Bobojonov Shavkat. THE ROLE OF SEIF AL-DIN BAKHARZI IN THE PILGRIMAGE TOURISM. Look to the past. 2020, SI, pp. 145-152

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-18>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Бухородаги Шайх Сайфиддин Бохарзий мақбараси илмий-тарихий манбалар ва дала этнографик маълумотлари асосида ўрганилган. Маҳаллий аҳолининг эътиқодий тасаввурлари ва зиёрат масалалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: мақбара, зиёрат, шайх, шариф шаҳар, мурид, тасаввуф

Бобожонов Шавкат,

Базовый докторант отдела Этнологии и Антропологии
института истории АН РУз

РОЛЬ СВЯТЫНИ СЕЙФ АД-ДИНА БАХАРЗИ В ПАЛОМНИЧЕСКОМ ТУРИЗМЕ

АННОТАЦИЯ

В статье на основе научно-исторических источников и полевых этнографических данных изучается мавзолей Шейха Сайф ад-Дина Бахарзи. Также в статье анализируется вопросы верований местного населения и паломничества.

Ключевые слова: мавзолей, паломничество, шейх, блаженный город, мурид-ученик, суфизм.

Bobojonov Shavkat,
Basic doctoral student of the Department

of Ethnology and Anthropology Institute of History,
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.

THE ROLE OF SEIF AL-DIN BAKHARZI IN THE PILGRIMAGE TOURISM

ABSTRACT

The article deals with the mausoleum of Sheikh Seif ad-Din Bokharzi based on scholarly-historical sources and ethnographic field reports. The questions of religious beliefs of local people and pilgrimage are analyzed within the confines of the article.

Index Terms: mausoleum, pilgrimage, sheikh, blessed city, disciple, sufism.

Долзарблиги. Бугунги кунда туризм жамият иқтисодиёти ва ижтимоий ривожланишининг муҳим бўғинига айланиб бормоқда. Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш, соҳага янги инновацияларни жорий этиш, сайёҳ ва зиёратчиларни жалб этиш соҳасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги ислохотлари дунё ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилмоқда. Буюк Британиянинг "The Gaurdian" газетаси 2019 йилда саёҳатчилар учун тавсия қилинадиган 40 та йўналиш рўйхатига Ўзбекистонни киритган. Нашрда юртимизнинг ажойиб меъморчилиги ҳар қандай кишини ҳайратга солиши қайд этилган[21,Б.1]. Умумий қиймати 16,9 триллион сўм ва 8,1 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 2019 йил давлат дастурининг ижтимоий ривожланиш соҳасида туризм ҳам муҳим масала сифатида киритилган[27].2018 йилнинг якунлари бўйича Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳам туризмнинг зиёрат йўналишини такомиллаштириш таъкидлаб ўтилди[25,Б.3].

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган

3.Тадқиқот натижалари:

Очиқ осмон остидаги музей-шаҳар ҳисобланган Бухорода XIX аср ўрталарида рус саёҳатчиси, тарихчи, этнограф ва дипломат Н.В.Хаников томонидан кўплабхонақо(сўфийлар уйи[19, Б.113-150]лар борлиги тилга олинган[23, Б.42], улар ўзларининг архитектуравий тузилиши билан шаҳар меъморчилигида алоҳида ўрин тутган. Шаҳристондан ташқарида, шаҳарнинг жануби-шарқий қисмида жойлашган[17,Б.9]Сайфиддин Бохарзий хонақосияни шундай ёдгорликлардан бири саналади. Хонақоҳ гўрхонасида кубравия тариқати давомчиларидан бири Шайх Сайфиддин Бохарзий қабри жойлашган.Ҳазратнинг тўлиқ исмлари Сайфиддин Абул Маъолий Саъид ибн Мутоҳҳар ибн Саъид ибн Али Қоидий Бохарзийдир[8,Б.170]. Сайфиддин Боҳарзий XII асрнинг иккинчи ярмида, яъни 1190 йилда Хуросон вилоятининг Боҳарз (Эроннинг шимолий шарқидаги Найсобур билан Ҳирот ўртасидаги вилоят[26,Б.54]) мавзеида туғилган[10,Б.67]. Манбаларда таъкидланишича, Бохарзийнинг насаблари Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқга бориб тақалади[18,Б.127]. Ҳамидулла Қазвинийнинг маълумотларига қараганда, Бохарзий Ҳирот ва Нишопур шаҳарларида ўқийди ва диний-ҳуқуқий таълимни олиб, тез орада сўфий даражасига эришади. Макка ва Мадина шаҳарларини зиёрат қилиб, мусулмон ҳуқуқшунослигининг нодир асари - "ал-Ҳидоя" асарини ўрганган[17,Б.9]. Устозлари Нажмиддин Куброга эътиқоди баланд бўлган. Бохарзий устозлари таҳоратда азоб чекмасин деб, офтобага сув олиб, бағирларига босиб,

юрак тафти билан уни иситиб, кечаси билан остонада турганлар. Устозлари шогирдидан нега туни билан риёзат чекдинг деганларида, Бохарзий, "Мен учун Ҳазрат Шайх остоналарида бўлмоқдан ортиқ фароғат, лаззат йўқ" деган эканлар[18,Б.127]. Бунга жавобан Нажмиддин Кубро "Башорат бўлсин сенгаки, подшоҳлар сенинг отинг рикобида бўлгай" деб башорат қиладилар[14,Б.296].

Ибн Фуватий "Муъжамул алқоб" китобида Бохарзий ҳақларида шундай зикр қилади: "Ул киши муҳаддис, ҳофиз, зоҳид, воиз, ҳайбатли шахс, ориф, тақводор, фасохат соҳиби бўлиб, сўзлари дуру маржон каби эди. Феъллари билан одамларни одобга чақирувчи, ҳар бир нарсани ҳадисга мувофиқ бажарувчи, такаллуфдан холи, илмлари ва фазилатлари тўлиб тошган денгиздек, ҳақиқат илмида замондошлар ва авлодлар фахр қиладиган даражада эдилар. Ул киши улуғвор ва ҳайбатли бўлиб, номлари мусулмонун кофир ўртасида танилганди"[8,Б.171].

Бохарзий Кубравийлик диний сўфийлик таълимотини тарғиб қилиш учун Шайх Нажмиддин Кубро маслаҳати билан тахминан 1218-1219 йилларда Бухорога келади. Абдурахмон Жомийнинг ёзишича, Бохарзий диний илмларда ноёб муваффақиятларга эришгандан сўнг у бироз Хоразмда яшаб, сўнг Бухорога ноиб қилиб юборилади[10,Б.67]. Бу давр Бухоронинг энг мураккаб, ўлкамиз тарихининг аянчли пайтларига тўғри келади. Чингизхон босқинидан сўнг шаҳар аёвсиз таланган, ярим аср давомида Бухоро харобага айлантирилган эди. Сайфиддин Бохарзий Бухорога келганларида шаҳар батамом ёниб, ҳатто истиқомат қилишга жой қолмаган эди. Чунки, 1220 йил 16 февралда Чингизхон буйруғига биноан шаҳар ёқиб юборилгач, бир кунда ҳўли қуруқ бирдек ёниб битганди. На жонсиз нарса қолди, на жонли. Шаҳарда бирорта ҳам сипоҳ қолмаган эди. Улар ўрнида фақат қора тутун бурқсирди[12,Б.87]. Бохарзий одамларни йиғиб, уларга "Саҳиҳи Бухорий"ни ўқиб беради[8,Б.172]. Сайфиддин Бохарзий мўғуллар зулми даврида Бухорода қарийб 40 йил яшайди[24,Б.8, 17,Б.13] ва юқори даражали лавозимларда ишлайди. Маълумки, бу даврда мўғуллар томонидан Бухоро ўзаро курашлар натижасида икки мартаба, яъни, 1220 ва 1273 йилларда ёқиб юборилади[16,Б.6].

Шайхнинг шарофати билан халқнинг ўз шаҳри Бухорога бўлган меҳр-муҳаббати ортиб боради. Шаҳарни қайта тиклаш ишлари олиб борилади. Бохарзий Бухоро халқини мўғуллар зулмидан паноҳ излашида, бу даврда ислом динининг кенг ёйилишида хизмат кўрсатган. Жумладан, Сайфиддин Бохарзий мўғулларга қарши чиқиб, уларни исломни қабул қилишлари ва уни давлат динига айлантиришига даъват этади. Бунга қарши чиққан мўғул ҳукмдорларидан бири Сайфиддин Бохарзий томон 1700 нафар қўшин тортиб келади. Шайх душманга қарата бир олмани отганида бир неча аскарларнинг боши танасидан жудо бўлиб, ерга думалай бошлайди. Бу ҳолни кўрган мўғуллар улуғ зотнинг кароматига тан бериб, исломни қабул қилган[3].

Шайх ниҳоятда чиройли бўлган, шу сабаб Нажмиддин Кубро у кишига юзини ёпиб юришни тавсия қилган экан. Маҳмуд Ялавоч Сайфиддин Бохарзийнинг ҳузурига келганда Ҳазратнинг юзи тўлин ой каби ёришиб турган. Ялавочнинг Бохарзийга меҳри тушиб, минг дирҳам ҳадя инъом қилган. Маълумотларга кўра, Сайфиддин Бохарзий Олтин Ўрда хонига мактуб йўллаб, агар улкан салтанатни осойишталик билан бошқаришни истаса, мўғуллар исломни қабул қилишлари, бошқа ўлкаларда ҳам мусулмончилиқни жорий қилишни маслаҳат берган. Бунга жавобан мўғул ҳукмдори Беркахон Шайх ҳузурига совға-салом билан ташриф буюриб, муридликни қабул қилган. Шайх шарафига хонақо, масжид ва мадраса барпо этилишига фармон беради. Беркахоннинг акаси золим ва қонхўр Бойқуга

Бохарзий шайх бўлмоқчи, деб ёмонлашади. Шунда шайхни занжирбанд қилиб, Самарқандга Бойқу ўрдасига элтадилар. Бохарзий бораётиб, "Мен бу хорликдан кейин бир иззат келишини кўрмоқдаман", - дейди. Ҳазрат Самарқандга яқинлашганида Бойқу вафот этади. Бувоқсадан хабар топган кўрган мўғул аскарлари шайхни кўйиб юборади ва унинг қўлида мусулмон бўладилар. Бағдод халифаси Мустаъсим Бохарзийга туҳфа юбориб турган. Туҳфалардан бири Ҳазрати Али қўллари билан ёзилган Қуръони карим эди. Озарбайжон волийси Малика бинти Ўзбек ибн Паҳлавон эса Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) Уҳудда синган тишларини ҳадя сифатида жўнатган[8,Б.172].Шундай қилиб, Сайфиддин Бохарзийнинг буюк хизматлари билан бир томчи ҳам қон тўкилмай, миллионлаб инсонлар ҳақ йўлига етиши ва исломни давлат фуқароларининг расмий динига айланишига эришилади. Шайх мўғул ноиблари билан доимий олишиб, уларнинг Ислом руҳонийларини камситиш йўлидаги ҳаракатларига очиқдан очиқ курашган. Айниқса, Бохарзийнинг мўғуллар ноиби Қутбиддин Хабаш Амидага ёзган норозилик мактуби бунга далил бўла олади[2,Б.148]. (Бу мактуб Оксфорд кутубхонасининг Шарқ кўлёмалари фондида сақланмоқда)[11,Б.74]. Бундан хабар топган Араб халифаси Сайфиддин Бохарзий ҳазратларига "Шайх-ул-олам" (Олам шайхи) унвонини, Бухорога эса "Шариф" ("Муқаддас шаҳар") мақомини бериш тўғрисида ёрлик юборади ва Бухоро "шариф" унвонига сазовор бўлган учинчи шаҳар бўлиб қолади[10,Б.68]. Ўша замонда мусулмон дунёсида ислом дини вужудга келган Қуддус шаҳри бундай сифатлашга муносиб топилган эди, холос.

Бухороликлар орасида Сайфиддин Бохарзийнинг кароматлари тўғрисида кўпдан-кўп ривоятлар тилдан тилга, авлоддан авлодга кўчиб келган. Уларнинг бирида Тарағай Баҳодур шу ерларга келиб улуғ шайх Бохарзий билан учрашган[15,Б.34]. Ўша кеча Бохарзийнинг тушларига Ҳазрати Хизр кирганидан хурсанд бўлиб, содиқ муридларидан бирининг соҳибжамол қизи Тегинабегимни Тарағай Баҳодирга никоҳлаб берган. Икки ёшнинг муҳаббатидан туғилган Темур эса ўсиб улғачгач, соҳибқирон бўлади[4].

Шайх хулқ, одоб ва саховатда ҳам дониш ўтган. Хайр-у эҳсонлари холис ва мўл бўлган. Мурувватли шайх доим мазлум халқ томонини олиб, мўғул ноибларига қарата шундай деган:

Кишига берсаки ноҳақ изойи
 Топар у қилганидан бад жазойи
 Биров ноҳақ бировга қаҳр этарму
 Анга қаҳр айлагай Қодир худойи[11,Б.76]

Ҳазрат илмий мероси бойлиги билан ажралиб туради[20,Б.131]. Сайфиддин Бохарзий қатор араб ва форс тилида ёзилган мумтоз асарлар муаллифи ҳамдир. Унинг "Шарҳал асма ал ҳусна", "Рисолаи дар ишқ", "Рубоийёт", "Воқеаи хилват", "Васиятнома", "Рўзнома" каби бир нечта китоблари бизгача етиб келган[13,Б.56].

Ривоят қилишларича, Шайх Сайфиддин дарвешнинг жанозасига ҳозир бўлади. Йиғилганлар: "Шайх, талқин айланг!" - дедилар: Шайх майит ёнига келиб, кўйидаги рубоийни ўқийди:

Гар ман гуноҳи жумла жаҳон кардастам,
 Лутфи ту умид аст, ки гирад дастам.
 Гуфтий: ки ба вақти ажз дастат гирам,
 Ожизтар аз ин маҳоҳ, к-акнун ҳастам.
 Таржимаси:
 Барча гуноҳларни қилиб рўзу шаб

Лутфингдан умидвор бўлсам, не ажаб!

Ожизлик пайтида қўллайман дединг

Энг ожиз ҳолдаман, қўллагин, Ё Раб![18,Б.132]

Ҳазрат 1261 йил 20 октябрда зулқадда ойининг 24 кунда[24,Б.9] Бухоронинг Қарши дарвозасидан 1 чақирим узқоликда жойлашган Фатхобод қишлоғида (кейинчалик шаҳарга қўшилган) вафот этади[24,Б.215, 6,Б.9, 7,Б.92].Тўрт юз минг атрофида одам у кишининг жанозасида қатнашади. Тўрт юзта қул ҳазратнинг тобутини ўраб олиб кўтардилар. Ҳазратдан михлари кумушдан ковуш, беш юз динорга тенг тилла суви юритилган оёқлари остига қўйиладиган курси, ўн минг динорга баҳоланган от ва чорвалари қолади. Фақатгина 330 та кийимлик, рўмол, салла ва мўйна ўғиллари Жалолиддин Муҳаммад, Бурҳониддин Аҳмад, Мазҳариддин Мутаҳҳирга теккан. 60 та қуллари у кишидан ҳофизи Қуръон, ҳуснихат, араб тилини ўрганган ва ҳадис эшитган. Қулларидан Нофеъиддин қирқдан зиёд Қуръон кўчирган эди[8,Б.176].

Шайхулоламининг вафотларидан кейин ҳам мўғул ҳукмдорлари ҳазратнинг муриди бўлиб қолавердилар. Яна юз йилча Фатхободдаги бу мавзу сўфийлик эътиқодининг маркази бўлиб хизмат қилади[17,Б.16].Амир Темур ҳам Бухорога ташриф буюрганида Шайх қабрини, албатта зиёрат қилган[9;400]. Кейинчалик, ҳатто Бухоро амирлари ҳам тахтга ўтиришлари заҳоти биринчи навбатда Шайх Сайфиддин Боҳарзий қабрини зиёрат қилишган[19,Б.33, 17,Б.14]. Чунки амирлар Ҳазратнинг "султон худонинг ердаги соясидир" деган сўзларига амал қиларди[1,Б.146].

XII-XIV асрларда ҳазратқабри устига қурилган мақбарабугунги кунгача сақланган. Мақбара ичида жами 11 та қабр бўлиб, "Китоби Муллозода"да келтирилишича, булар ҳазратнинг икки ўғил Жамолиддин Муҳаммад ва Мазҳариддин Мутаҳҳир, невараси Абу Муфахир Яхъё ва эваралари Хованд Бурғониддин, Руҳиддин шайх Довудникилардир.

Ҳазрат хонақоҳ мақбараси XIV асрнинг иккинчи ярмида, унинг улкан портали анча кейинроқ қурилган. Мақбара ўз шаклининг улканлиги билан, тузилишининг маҳобати, меъморий ғоясининг аниқлиги билан кишини ўзига жалб қилади. Дунёда ҳали бунақа жозибатор мақбарани учратмадим деб ёзади сайёҳ олим Ибн Баттута ўз эсдаликларида.

Зиёратгоҳнинг бугунги кунда Фатхобод деб аталишида ҳам рамзий маъно мужассам. "Фатх" сўзи - босиб олинган, яъни босиб олинган ерларни қайта обод этган Боҳарзийга ишорадир[5].

1976 йилда Бухорода юз берган кучли ер силкиниши оқибатида мақбара гумбази батамом харобага айланади.Истиқлол йилларида мақбарабини қайта таъмирланиб, асл ҳолига қайтарилди,гумбаз қайта ўрнатилди. Халқ ижодининг нодир асарларидан бўлган мақбарани бухоролик усталар ва Ўзбекистон ёдгорликларни таъмирлаш ва консервациялаш махсус илмий-тадқиқот институти олимлари бузилишдан қутқаришга киришдилар. Ёдгорликни мустаҳкамлаш ва қайта тиклаш лойиҳаси тузилди. Бухоро махсус илмий ишлаб чиқариш устахонаси бу муҳим ишни таъмирловчилар авлодидан бўлган уста Азим Ҳайитов бошлиқ бригадага топширди. Бригада аъзоларидан Камол Отаев, Ҳусайн Нажмиддинов, Умид Ҳабибов ва бошқа қадимги ёдгорликларни таъмирловчилар, бинонинг деворларини мустаҳкамладилар. Бухоронинг 2500 йиллиги муносабати билан бу зиёратгоҳ таъмирланди. Зиёратгоҳ хонақоси ва масжиди учун нафис биллур қандиллар инъом этилди.

Бухоро шаҳар ҳокимлигининг саъй-ҳаракатлари билан эски битум ишлаб чиқариш корхонаси ёпилади ва темир йўл олинади. Атрофидаги шу пайтгача сақланиб қолган қабрлар олиниб, Хўжа Исмаи, Ҳазрати Имом қабристонларига кўчирилади. Зиёратгоҳ кенгайтирилиб, боғга айлантирилди. Қум остида қолган қабрлар очилиб, тозаланди. Мақбара ёнидаги минора икки йил мобайнида (2007-2009) уста Музаффар томонидан қуриб битказилди.

Сайфиддин Бохарзий қабри атрофида XIII асрда ўрнатилган нақшинкор ёғоч ўймакорлиги намунаси Бухоро давлат бадиий-меъморчилик музей-қўриқхонаси томонидан сақланиб, "Нақшбандия тариқати тарихи" музейи эскпозициясида намойиш этилмоқда[22]. Ҳазрат қабри устига ясалган ёғоч сағана мозаика усулида териган бўлиб, ундатуғилган ва вафот этган сана, Қуръони каримнинг машҳур суралари, шайхни мадҳ этувчи марсиялар ёзиб чиқилган[9;400].

Ҳозирги кунда шайх Сайфиддин Бохарзий мақбарасини асосан турк, тожик, мўғул ва ҳинд муслмонлари зиёрат қилишади[24,Б.21].

4. Хулосалар:

Бухоролик илм аҳлининг тафаккур чироғи асрлар мобайнида Шарқ халқларини юксак маънавий комиллик руҳида тарбиялашдек хайрли ишга хизмат қилиб келган. Шайх Сайфиддин Бохарзий ана шундай улугвор иш йўлига камарбаста бўлган зотлардандир.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Аҳмаджонов У., Қосимзода А., Йўлдошев Н. Ислом динида авлиёларга ва уларнинг мазорларига сиғиниш. -Т.: "Қизил Ўзбекистон", "Правда Востока" ва "Ўзбекистони Сурх" бирлашган нашриёти. 1959. (U.Ahmadjonov, A. Kasymzoda, N. Yuldashev. Worship of the saints and their graves in Islam. -Т.: Joint publishing house "Red Uzbekistan", "Pravda Vostoka" and "Uzbekistan Surkh")

2. Бартольд В.В. Сочинения. т. II. часть 1. -М. Изд.: Восточной литературы. 1963. (Bartold V.V. Compositions. T. II. part 1. -M. Publisher: Oriental Literature. 1963.)

3. Дала ёзувлари. Бухоро шаҳри. Сайфиддин Бохарзий маҳалласи. 2015 йил, январь. (Field records. The city of Bukhara. Sayfiddin Bokharziy neighborhood. January 2015)

4. Дала ёзувлари. Бухоро шаҳри. Сайфиддин Бохарзий маҳалласи. 2019 йил, январь. (Field records. The city of Bukhara. Sayfiddin Bokharziy neighborhood. January 2019)

5. Дала ёзувлари. Бухоро шаҳри. Сайфиддин Бохарзий маҳалласи. 2015 йил, март. (Field records. The city of Bukhara. Sayfiddin Bokharziy neighborhood. January 2015)

6. Джурақулов М.Д., Некрасова Е.Г., Ходжаков Т.Қ. Позднефеодалные некрополи Бухары как исторический источник. Самарқанд. 1991. (Dzhurakulov M.D., Nekrasova E.G., Khojakov T.K. Late feudal necropolises of Bukhara as a historical source. Samarqand. 1991.)

7. Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. -Т.: Шарқ баёзи. 1993. (Ibragimov N. Ibn Battuta and his Journey to Central Asia. -Т.: 1993.)

8. Имом Абу Абдуллоҳ Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Заҳабий. Сияру Аъламин нубало. "Машҳур даҳолар сийрати". Арабчадан Азизхўжа Иноятов таржимаси (китобдан сайланма). Алломалар тўғрисида маълумот. -Т.: Шарқ, 2015. (Imm Abu Abdullah Shamsiddin Muhammad ibn Ahmad ibn Usman Zahabi.

SiyaruAlaminnubalo. "Biography of famous geniuses". Translation of AzizkhojaInoyatov from Arabic (selected from the book). Information about scholars. - T.: Sharq.2015.)

9. Ислом энциклопедияси. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2017. (The Encyclopedia of Islam. - T.: The State Scientific Publishing House of the National Encyclopedia of Uzbekistan. 2017)

10. Йўлдошев Н. Бухоро авлиёларининг тарихи. - Бухоро: Бухоро, 1997.Yuldashev N. History of the saints of Bukhara. - Bukhara: Bukhara,1997)

11. Йўлдошев Н., Курбонов Ҳ. Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги зиёратгоҳлар тарихи. -Бухоро, 2001. (Yuldashev N., Kurbanov H. History of Bukhara and its surrounding shrines Bukhara: Bukhara, 2001.)

12. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. - Т.: Чўлпон.1994. (Mirzo Ulugbek. The history of the four ulus. - T.: Chulpon.1994.)

13. Муталов О. Великий мыслитель Востока СайфуддинБахарзи // Мозийдан садо.2000. -№ 1-2 (5-6). (Mutalov O. The great thinker of the East Sayfuddin Baharzi //Mozidan sado. 2000. №1-2 (5-6))

14. Навоий А. Насойим-ул муҳаббат. (Navoi A. Nasayim-ul love.)

15. Наимов Н. Бухорои шариф. - Бухоро: Бухоро, 2005. (Naimov N. Bukhara. - Bukhara: Bukhara.2005.)

16. Найимов С. Бухоро области топонимияси (жойлар номлари).Т.,1984. (Nayimov S. Toponymy of Bukhara region (names of places) . -T., 1984.)

17. Немцева Н.Б. Ханака Сайф ад-дина Бахарзи в Бухаре (к истории архитектурного комплекса).-Бухоро:Бухоро, 2003. (Nemtseva N.B. Hanaka Saif ad-din Baharzi in Bukhara (on the history of the architectural complex) .- Bukhara.)

18. Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари. Тарихий-маърифий рисола (Тўлдирилган, қайта ишланган иккинчи нашр).Т.: Наврўз.2015. (SadriddinSalimBukhari. Sacred shrines in Bukhara Historical and educational brochure (Completed, revised Second Edition) . -T.: Navruz,2015.)

19. Семенов А.А. Материальные памятники иранской культуры в Средней Азии/ /Таджикистан.1925. (Semenov A.A. Material Monuments of the Iranian Culture in Central Asia // Tajikistan. 1925.)

20. Суюндик Мустафо Нуротой Муҳиддин Аблаев.Туронзамин азиз авлиёлари ва уламолари тазкираси. I. Т.: Сано-стандарт.2015. (Suyundik Mustafa NurotoiMuhiddinAblaevI. -T.: Industrial Standard, 2015.)

21. The Guardian мамлакатимизни 2019 йилда сайёҳлар келиб кўриши шарт бўлган масканлар рўйхатига киритди. // Халқ сўзи. 2019 йил, 8 январ. №3 (7233)-сон. 1-бет. (The Guardian included our country in the list of places to be visited by tourists in 2019. // People's word. January 8, 2019. No. 3 (7233). Page 1)

22. Ушбу экспонат Бухоро давлат музей-қўриқхонасининг Асосий фондида 1486/13 рақам остида сақланмоқда. (This exhibit is in the main fund of the Bukhara State Museum-Reserve under the number 1486/13.)

23. Хаников Н.В. Описание Бухарского ханства.-СПб.,1843. (Khanikov N.V. Description of the BukharaKhanate.-SPb., 1843.)

24. Чехович О.Д. Бухарские документы XIVвека. -Т.:Фан.1965. (Chekhovich O.D. Bukhara documents of the XIV century. -T.: Fan. 1965.)

25. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 2018 йил, 29 декабр №271-272 (7229-7230).3-бет. (Statement of the President of the Republic of Uzbekistan ShavkatMirziyoev to the OliyMajlis // People's word. December 29, 2018 No. 271-272 (7229-7230)

.pp.3.)

26. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. - Т.: Давлат Илмий нашриёти. 2001. (National Encyclopedia of Uzbekistan. - Т.: State Scientific Publishing House. 2001.)

27. www.UzA.uz//"2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 2019 йил 17 январь. (www.UzA.uz/ Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the State Program on Implementation of the Strategy of Action on the Five Priorities of Development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021 in the Year of Active Investment and Social Development". January 17, 2019.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000